

Мурожаат (ариза, шикоят ва таклиф)ларни қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тартибга солинади.

Вазирлик марказий аппаратига жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари асосан **қўйидаги манбалар** орқали қабул қилинади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси;
2. Тадбиркорлик виртуал офиси ахборот портали;
3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ишонч телефони;
4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар муаммолари бўйича Ишонч телефони;
5. вазирликнинг Ишонч телефони;
6. вазирликнинг info@mehnat.uz ва bandlik@exat.uz электрон почталари;
7. вазирликлар ва идоралардан тегишлилиги бўйича келиб тушган ёзишма хатлари (фуқаролар мурожаатлари);
8. жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари томонидан тўғридан-тўғри вазирликка келиб қолдирилган ва бошқа мурожаатлар.

Ушбу манбалар орқали келиб тушган мурожаатлар вазирлик Девонхонаси орқали edo.ijro.uz дастурига электрон тарзда киритилади. Дастур орқали мурожаатга раҳбар резолюцияси қўйилади, тегишли масъулларга йўналтирилади ва масъулларнинг мурожаатчига юборилган жавоб хатларига асосан назоратдан олинади.